

FABMISR Қоҳирада янги исломий бўлимни очди



18:11 / 14.12.2023 933

Мисрнинг етакчи молия институти бўлган **First Abu Dhabi Bank Misr** (FABMISR) Қоҳирада сўнгги исломий филиалини очганини эълон қилди. Бу ҳақда dailynewsegypt.com манбаси хабар берди.

Банк менежерлари томонидан очилган янги филиал омонат ҳисоб варақлари, молиялаштириш имкониятлари ва бошқариш хизматларини шариатга мувофиқ молиявий таклифларни тақдим этади. Ушбу филиал ҳар бир маҳсулот ва хизматни нафақат шариат тамойилларига мос келишини, балки мижозларнинг молиявий эҳтиёжлари ва афзалликларига ҳам жавоб беришини кафолатлайди.

Филиалнинг очилиш маросимида **FABMISR** бош раҳбари ва бошқарувчи директори **Муҳаммад Фаёд** шундай дейди: «**Бизнинг янги исломий филиалимизнинг жорий этилиши бутун Миср бўйлаб исломий банк операцияларимизни кенгайтиришга қаратилган. Ислом банки бизнинг ўсиш стратегиямизнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, эътиқодига содиқ қолишни истаган мижоз учун анъанавий банк фаолиятига мазмунли муқобил тақдим этади. Янги объектимиз мижозларимизнинг турли талабларини қондиришга мўлжалланган Биз нафақат мижозларнинг манфаатларига хизмат қиладиган, балки**

мустаҳкам ҳамкорликни ривожлантирувчи инновацион ва шариатга мос ечимларни тақдим этишга интиламиз».